*• Область партия комитети комиссияларида*

# МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Область партия комитетининг социал-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Область партия комитети секретари В. Г. Гордиенко раислигида ўтган бу мажлисда экономиканинг қатор тармоқлари фаолиятига оид масалалар кўриб чиқилди.

Луб саноатининг аҳволи ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳақидаги масала муҳокама қилинганда шу нарса таъкидландики, деҳқончиликнинг бу соҳаси бир вақтлар сердаромад бўлиб, уни етиштирган хўжаликлар катта фойда кўришган, шу туфайли коллективни социал-иқтисодий ривожлантиришда муайян ютуқларга эришишган. Лекин кейинги йилларда каноп етиштиришга эътибор сусайди. Мавжуд навлари илдиз чириш касалига мубтало бўлиб, ҳосилдорлик пасайиб кетди. Унинг янги навлари эса яратилмади. Кейинги ўн беш йил мобайнида олимларимиз илдиз чиришига қарши курашнинг бирор самарали усулини яратмадилар.

Бунинг устига канопни қайта ишловчи саноат ҳам жуда қолоқ бўлиб қолди. Заводларда деярли барча жараёнлар қўл кучи ёрдамида бажарилади, ишчилар меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирлар камдан-кам амалга оширилади. Оқибатда меҳнат шароити яхшиланмаяпти. Ишчи-хизматчилар олаётган иш ҳақи ҳам кам. Корхоналарни социал ривожлантиришга ажратилаётган маблағнинг ниҳоятда озлиги ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Шуларнинг ҳаммаси ишчи кучи қўнимсизлигини кучайтирмоқда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига салбий таъсир қилаяпти.

Область луб саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибидаги ўн тўртта корхонанинг ҳаммасида экология аҳволининг ниҳоятда ночорлиги ҳам катта ташвиш туғдирмоқда. Шу сабабли корхоналардаги ва атрофдаги муҳит жуда ифлосланиб кетган. Тозалаш иншоотлари ҳаммасида бўлмаганлиги устига борларидан ҳам оқилона фойдаланилмаяпти. Бу турли хил касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Комиссия область агросаноат комитети ва луб саноати бирлашмаси раҳбарларидан тармоқда таркиб топган аҳволни тубдан яхшилашни, айрим каноп заводларини бошқа маҳсулотлар, айниқса кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш бўйича белгиланган тадбирларни амалга оширишни тезлаштириш, бирлашманинг тузилишини такомиллаштириш масаласига масъулият билан ёндашиш, йиғилиб қолган калта толали канопни сотишни таъминлаш, меҳнат коллективларининг мустақиллигини ошириш, бунинг учун аввало ишлаб чиқариш бўлинмаларига хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қилиш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, пудрат ва ижара пудратини жорий қилишни талаб этди, каноп саноати корхоналарида экологик аҳволни яхшилаш кечиктириб бўлмас вазифа эканлигини алоҳида уқтирди.

Комиссия мажлисида уй-жойлар, социал-маданий-маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган биноларни фойдаланишга топшириш планининг бажарилишига эришиш ва бундай қурилишларни бинокорлик материаллари билан таъминлашнинг аҳволи ҳақидаги масала катта ташвиш билан муҳокама қилинди. Чунки, бу соҳаларда ҳозир таркиб топган аҳвол жуда мураккабдир. Уни бартараф этиш ўнлаб қурилиш, монтаж ташкилотлари, уйсозлик ва бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг катта куч-ғайратини талаб қилади.

Бу йилги давлат планига мувофиқ маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига областда (Тошкентдан ташқари) 700 минг квадрат метр саҳнли турар-жойлар фойдаланишга топширилиши керак. Бундан ташқари ўнлаб мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари, тиббий муассасалар қурилиши лозим. Социал-маданий-маиший объектларни барпо этишда муайян силжиш бор. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани 109 процент қилиб бажарилди.

Бироқ, бинокорларнинг янада жадал ишлашларига тўсқинлик қилаётган кўпдан-кўп сабаблар ҳам борки, уларнинг энг муҳими моддий-техника таъминотидаги нуқсонлардир. Республика Давлат план комитети, Давлат таъминот комитети ва бошқа министрликлар — идоралар раҳбарларининг айби билан бундай муассасалар қурилиши учун ажратилган материаллар фонди қирқилмоқда ёки шунга мувофиқ ажратилган барча қурилиш материаллари тўла олинмаяпти.

Бу аҳвол, айниқса, учинчи кварталда қурилишда катта қийинчиликларни вужудга келтирди. Бўзчи белбоққа ёлчимас деганларидек, областдаги қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми республика, мамлакатнинг турли регионларига юборилади-ю, ундан областнинг ўзига жуда кам миқдорда ажратилади. Ҳозирги вақтга келиб, уй-жойлар, бошқа социал-маданий-маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар бинолари қурилиши планининг бажарилиши учун биргина шифер тахтасидан 5 миллион дона етишмаяпти! Бошқа материаллар таъминоти ҳам бундан яхши эмас. Тўрт мингта ванна олингани йўқ. Бу ахир шунча квартира эгаларига топширилмай қолади, деган гап. Линолеумдан 200 минг квадрат метр, юзлаб газ плиталари, унитазлар ҳам етишмаётганлиги бинокорлар қўлини ушламоқда.

Ҳар йили областимизда ишлаб чиқарилган ғиштнинг 150 миллионтаси четга чиқарилади, айни вақтда эса шундай материал етишмаслиги оқибатида ҳатто мактаблар қурилиши судралмоқда, ваҳоланки бу йил давомида 40 та мактаб қурилиши лозим. Мажлисда сўзга чиққанлар бевосита шу ерда ишлаб чиқарилаётган ғишт ва бошқа материалларни область эҳтиёжлари учун кўпроқ ажратиш масаласини ўртага ташладилар.

Уйсозлик корхоналарида панеллар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган металл прокатининг ажратилган фондда назарда тутилган миқдорда етказиб берилмаётганлиги бундай корхоналар меҳнат коллективларини қийин аҳволга тушириб қўймоқда. Ангрен, Олмалиқдаги уйсозлик комбинатлари металл прокатининг ярмини ҳам олганлари йўқ. Улар бундай маҳсулотни мамлакатимиз марказидан олиб келишга мажбур бўлмоқдалар. Устига нархининг 40 проценти миқдорида қўшимча ҳақ тўламоқдалар. Бу қурилиш таннархининг ошишига олиб келмоқда. Бошқа чора йўқ, шунга борилмаса уй-жой қурилиши тўхтаб қолиши ҳеч гап эмас.

«Ташоблстрой» территориал қурилиш бирлашмаси коллективи йил бошида оширилган план белгилаб, ҳар бир шаҳарда топшириқдагига қўшимча биттадан кўп квартирали уй қуришни мўлжаллаган ва уни республика Давлат қурилиш комитети ва область давлат таъминоти комитетида ёқлаган эди. Ўшанда коллективга шунга яраша қурилиш материаллари ажратиш ҳақида ваъда беришган эди. Лекин сўзларининг устидан чиқишмади. Бу ҳам майли-я, планли объектлар қурилишига зарур материалларни етарли ажратишмаяпти.

Мажлисда меҳнат ресурсларини ҳисобга олишнинг аҳволи ҳам кўрилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

*• Партия турмуши: қарор ва ижро*

# ТАЖРИБА ЎРГАНГАНИ КЕЛИШДИ

Коммунистлар хўжаликда ижара пудратини тўлиқ жорий этиш таклифи билан чиқишди.

— Тўғрироғи бу ғоя дастлаб коммунист Соғлом Болошовдан чиққан эди,— дейди хўжалик партия комитети секретари Шунқор Умрзоқов.— Совхоз директорининг фикр-мулоҳазалари аввал цех партия ташкилотларида ўрганилди. Сўнг партия комитети мажлисида муҳокама қилинди. Ижара пудратини хўжалик ҳаётига тўлиқ жорий этиш нақадар қийин эканлигини партия комитетининг ҳамма аъзолари сезиб турардилар. Ишчилар ва ўрта бўғин кадрлари ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш лозим эди, чунки ҳали кўпчилик масаланинг туб моҳиятини чуқур тушуниб етмасди. Шу боисдан партко мда алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни бажаришга коммунистлар ва мутахассислар масъул этиб қўйилди.

Белгиланган тадбирларда энг асосий масалаларга урғу берилганди. Агар улар бажарилса биринчи йилдаёқ катта иқтисодий самара олиш мумкин эди.

Ижара пудратининг моҳияти тўғрисида барча коллективларда лекциялар, суҳбатлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Харажатларни назорат қилишнинг чек системаси жорий этилди, ижарачи коллектив билан шартнома тузиш, ҳар иккала томоннинг ҳуқуқ ва вазифалари, хўжаликда ички ягона нарх белгилаш сингари масалалар ўрганилди.

Партия ташкилоти белгиланган тадбирларнинг бажарилишини қатъий назорат остига олди, янгиликни жорий этишда жанговар штабга айланди. Совхозга келган илмий-текшириш институтлари илмий ходимлари ижара пудратини жорий этишда коллективга яқиндан ёрдам бердилар. Бунда айниқса, иқтисод фанлари доктори Р. С. Абдуллаев, илмий ходим Н. И. Акбаровларнинг ҳиссаси катта бўлди. Аста-секин ишлар изга тушиб кетди. Область агросаноат бирлашмаси мутахассислари ишнинг тўғри ташкил этилаётганлигини таъкидладилар.

Ўшандан бери орадан бир ярим йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Қилинган ишларни муҳокама қилиш, дастлабки хулосаларни чиқариш вақти келди. Келинг, яхшиси, деҳқонларнинг ўзларидан эшитайлик.

— Бугунги кунда ижара пудратининг моҳияти ва афзалликларини кўпчилик англаб етган,— дейди 2-агроучастка бошлиғи совхоз партия комитети аъзоси Сулаймон Тўлдибоев.— Ижарачи коллективлар ижарага олинган ернинг ҳар қаричидан самарали фойдаланишга интилмоқдалар, резерв ва имкониятларни қидириб топмоқдалар. Ўғит, сув, техникадан тежаб фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар, маҳсулот етиштиришга кетадиган харажатни камайтириш йўлларини изламоқдалар. Чунки буни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир. Ким омилкорлик билан иш юритса, йил якунида даромади ҳам мўмай бўлишини билиб олди.

Ишга ижодий ёндашиш жуда яхши самаралар бермоқда. Биргина мисол келтирмоқчимиз. Бултур коммунист Неъмат Хўжабоев бошлиқ ижарачи коллектив маҳсулот етиштиришга кетадиган харажатлардан 17.815 сўм иқтисод қилди. 22 гектар ердан 810 тоннадан ортиқ маҳсулот топширди. Ҳосилдорлик 360 центнерга етди. Ҳар центнер помидорнинг таннархи 12 сўм ўрнига 6 сўм 40 тийинга арзонлашди. Шулар эвазига коллективнинг ҳар бир аъзоси йил якунида мўмай даромад олди.

Лекин ҳамма жойда ҳам иш бирдай юришиб кетавермади. Имконият, яратилган шароит бир хил бўлса-да, айрим коллективлар қониқарсиз ишладилар. Жумладан коммунист Деҳқонбой Нишонов бригадасида 28 гектар ердаги помидордан 610 тонна ҳосил олинди, холос. Ҳосилдорлик 22,7 центнерданга тўғри келди. Белгиланганидан 24 минг сўмлик ортиқча сарф-харажатга йўл қўйилди. Коммунист Эргаш Эралиев бошлиқ ижарачи коллективда ҳам нуқсонларга йўл қўйилди. Партия ташкилоти энди ана шу коллективларда тушунтириш ишларини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Партком аъзоси бош агроном Муҳаммад Ҳасановга қолоқ бригадаларга амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди. Шу кунларда бу коллективларда ўтган йилги нуқсонлардан хулоса чиқарилиб, мўл ҳосил етиштириш чоралари кўрилмоқда.

Хўжалик бўйича ижара пудратининг дастлабки самаралари билан танишиш мақсадида бош экономист Шермат Холматовни суҳбатга тортдик.

— Йил якунида мўлжалдагидан анча кўп — 543 минг сўм соф даромад олинди,— деди у.— Ҳар гектар ердан олинган даромад 775 сўмга етди. Чорвачиликдан келадиган зарар 300 минг сўмга камайтирилди. Сабзавот, узум таннархи 22,3 процентга арзонлашди. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик даромади 211 сўмни ташкил қилди. Энг муҳими одамларимиз ишни пишиқ-пухта, ҳисоб-китоб билан олиб боришга ўрганмоқдалар.

Бизга совхозда ижара пудратини жорий этиш тажрибасини ўрганиш мақсадида келиб кетаётган меҳмонларнинг фикр-мулоҳазалари ёзилган дафтарни кўрсатишди. Бўстонлиқ районидаги Абай номли колхоз, Паркент районидаги «Паркент» совхози, Бекобод районидаги Ойбек номли, «Октябрь 46 йиллиги» совхозлари мутахассислари хўжаликда ижара пудратининг ташкил этилишини юқори баҳолашибди.

— Ҳозиргина Паркент районидаги «Коммунизм» совхози мутахассислари келишди,— деди бош экономист.— Ишимизга астойдил қизиқишаяпти.

Ҳа, хўжаликда бир йилгина аввал жорий этилган бу усул эндиликда кўпчиликни қизиқтириб қолди. Чунки, хўжаликда ижара пудрати бўйича оғизда эмас, амалда иш қилинганди. Пировард натижа юзага чиқди. Ижара афзалликлари амалда исбот этилди. Шунинг учун ҳам уларнинг тажрибаларини ўрганишмоқда.

Ижара пудратини жорий этишда коммунистлар —совхоз директори Соғлом Болошов, агроучастка бошлиғи Абдужаббор Мамбетов, ижарачи Муҳитдин Йўлдошев, ишчи Ўғилой Имонова, агроном Муҳаммад Ҳасанов ва бошқалар фаол куч-ғайрат сарфламоқдалар. Бу истиқболли усулнинг тарафдорлари хўжаликда тобора кўпайиб бормоқда. Биз бош иқтисодчи, партия ташкилоти секретари билан бирга бу йилги ишларни чамалаб кўрдик: кунига бултургига нисбатан бир тоннадан ортиқ сут сотилмоқда, қўзи олиш плани бажарилди, тухум сотиш бултургидан 34 минг дона кўпайди, гўшт тайёрлаш яхшиланмоқда. Гарчи кўкламдаги кутилмаган қаттиқ совуқ кўпгина далаларга жиддий зарар етказган бўлса-да, ишлар ўнглаб олинди. Экинларга ишлов бериш кучайтирилмоқда. Иш шундай кетса, натижа янада юқори бўлиши кутилмоқда.

Совхоз партия ташкилоти конкрет қарорлар қабул қилиб улар ижросини қатъий назоратга олаяпти. Цех партия ташкилотларида ижобий ўзгариш сезилмоқда. Йўлдош Тиллабоев етакчилик қилаётган 1-агроучастка, Ҳолида Абдураимова секретарлик қилаётган 2-агроучастка, Умарқул Солиев етакчи бўлган идора цех партия ташкилотлари активлашди.

Шу йил баҳорда партия комитети мажлисида партия сафларини мустаҳкамлаш ва партияга қабул қилиш бўйича 3-агроучастка цех партия ташкилоти секретари Бўта Ботировнинг ҳисоботи тингланди. Мажлисда партиявий ишнинг бу муҳим соҳасида цех партия ташкилоти қониқарсиз иш олиб бораётгани кўрсатилди. Агроучасткада партия сафига муносиб ёшлар кўп. Улар билан амалий иш олиб бориш керак, холос.

Шу кунларда цех партия ташкилоти партия сафларини мустаҳкамлашга астойдил киришган. Қабулнинг икки йиллик системаси рўйхатига киритилганлар билан жиддий шуғулланилмоқда. Яқинда комсомол аъзоси Абдусобир Мамбетов КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди.

КПСС аъзоси бош инженер Қаюм Ғофуровнинг КПСС Устави талаблари ва хизмат вазифаларини қандай бажараётганлиги ҳақидаги ҳисоботи эшитилганида коммунистнинг сиёсий ва иқтисодий ўқувларни ташкил этишда, ёш коммунистлар билан ишлашда пассивлиги эслатилди, ишчи-хизматчилар ўртасида меҳнат интизомини бўшаштириб юборганлиги таъкидланди. Коммунист танқиддан тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Интизом яхшиланди. Кейинги квартал якуни бўйича марказий ремонт устахонаси коллективи мукофотга сазовор бўлди.

Партия ташкилоти йиғилишларида социал масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ижроси ҳам доимий назоратга олинган. Йиғилишларнинг бирида коммунист Мирҳамид Нурматовга қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш вазифаси топширилган эди. Шу йўналишда маълум ишлар қилинди. Ҳозир Бекмуродовул қишлоғига томон водопровод қувури ётқизилмоқда.

Ворошилов номли совхозда яна кўп ўзгаришлар бўлмоқда. 38-ўрта мактаб учун 640 ўринли янги бино қурилиши жадал давом этмоқда. 150 ўринли касалхона ва кунига 200 бемор қабул қиладиган поликлиника қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Келгуси йилда қурилиш ишлари бошлаб юборилади. Бир йўла 140 ўринли боғча қурилишига ҳам қўл урилади. Кейинроқ эса 3-агроучасткада 240 ўринли боғча ва 960 ўринли мактаб биноси қурилади. Буларнинг ҳаммаси қайта қуришнинг дастлабки самараларидир.

**Н. АБДУРАСУЛОВ,**
**Оҳангарон райони.**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН**

## «ВИЖДОНГА ОТИЛГАН ТОШ»

**(1989 йил 1 июнь)**

**Юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада республика суд-медицина экспертизаси бюроси собиқ бош врачи Тўлқин Ғуломовнинг бошидан кечирганлари, асоссиз айбланиб озодликдан маҳрум этилганлиги ва партия сафидан чиқарилганлиги ҳақида ҳикоя қилинган эди.**

**Мақола Фрунзе район партия комитетига юборилган эди. Район партия комитетининг иккинчи секретари В. Плешчаков имзоси билан келган жавобда айтилишича, район партия комитети суд-медицина экспертизаси бош бюроси партия ташкилоти билан биргаликда мақолани муҳокама қилган. Бош бюро меҳнат коллективи йиғилишида мақола тўғри, деб топилган. Т. Ғуломов ҳамда суд-медицина экспертизаси бош бюроси суд медэкспертлари фаолиятига доир фикрлар тўғри таҳлил этилган.**

**Жавобда маълум қилинишича, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети бюросининг 1989 йил 27 июлидаги қарори билан Тўлқин Ғуломов КПСС сафига тикланган.**

# МАСТЕРОВОЙЛАР

Олмазордаги эски шаҳар полиция бошқармаси томон яқинлашаркан ундаги ваҳима тобора кучайди. Худди шу бино олдида ёз ойида мардикор можаросида қанча қон тўкилмади, дейсиз. Шўрлик Ризвон опа Аҳмаджон қизи ўғлимни мардикорликка юбормайман, деб шу жойда кўксидан ўқ еган. Пристав Мочалов зулмидан дод деганлар шу идорани тошбўрон қилган эдилар. Энди эса у.— Ёдгор нақ шу Мочалов олдига келаяпти.

Миршаб унга шу ерда тур, дея ўзи ичкарига кириб кетди. Тезда қайтиб чиқди.

— Қани, бу ёққа юр,— деди у идоранинг бир эшигини кўрсатиб.

Ёдгор хонада ўтирган кишини дарров таниди. Бу эски шаҳардаги донғи кетган, қамчисидан қон томган пристав Алексей Мочалов, полиция капитани эди.

Эски Тошкентда оналар болаларини ажина билан эмас, унинг номи билан қўрқитишади. Йиғлама, Мочалов келаяпти, деса гўдаклар ҳам йиғидан тўхташади.

Пристав столидаги қоғозлардан бош кўтариб заҳил юзини кўрсатди. Тикандек қадалувчи ёвуз нигоҳини йигитга қаратди.

Ёдгор Раҳим ўғлисан-а, гапимга қулоқ сол. Аканг Олим мардикорга кетган. Пулга ёлланиб тўполон қилмаган. Сен ҳам шундоқ бўл. Устахонадаги ғаламисларга қўшилма.

Мочалов ўрнидан туриб Ёдгорга яқин келди. Кўзларига таҳдид билан қадалиб деди:

— Кимки оёғи шум, хаёли бузғун бўлса, шу сан билган эски шаҳардан, менга хабар қиласан. Устахонага қатнайдиганларидан.

Мочалов шундай дея қоғозга қаради.

— Санга кафолат бердим. Ишончли ва мўмин-қобил деб. Оёғингни ўйлаб бос. Ишингдан бошқа нарсага аралашма.

Пристав кетавер, дея қўл силтади.

Бир ҳафтадан кейин жаноб полковник идорасидан рухсат қоғози олиб устахонага борасан. Энди гапларимни уқиб, уйингга жўна!

Ёдгор идорадан чиқиб енгил нафас олди. Оддий ўзбек йигити учун ишга кириш учун қанча овора бўлиш керак-а?

Ниҳоят бир ой оворагарчиликдан сўнг у устахона дарвозасига кирди.

Ёдгор Раҳимов қуюв цехига ишга тайинланди. Унинг учун меҳнат куни юк ташиш, қора ишларни бажаришдан бошланди.

У меҳнатдан қўрқмаган. Болалигидан иморатчи усталарга шогирд бўлиб, ҳавозалар тепасида ғишт-лой узатган. Иссиқ демай, зах демай кунни кеч қилган. Сира нолимаган, офтоб тиғ урганда, қўл-оёқлари толиб тинкаси қуриганда ҳам.

Қуюв цехидаги 13—14 соатлаб ишлаш уни чарчатмади. Иссиқ цехда кун бўйи тикка юриб дастёр-югурдак бўлиш, оғир темир-терсакларни ташишга ҳамманинг ҳам бели чидамайди.

Ёдгор Раҳимовнинг зуваласи пишиқ чиқди. Чидади ва эътибор қозонди. Рус мастери уни ўзига шогирдликка олиб, касбига ўргата бошлади.

1917 йил баҳорида Тошкент темир йўл Бош устахонасида ишловчи Тўхтамурод ва Абдулла Ҳайитбоев, Абдураҳмон Толипов, Алижон Пўлатов, Маҳмуд Хусанхўжаев каби малакали мастеровойлар қаторига Ёдгор Раҳимов ҳам қўшилди.

## СЕҲРЛИ СЎЗЛАР

Баҳорнинг учинчи куни устахонада ҳаяжонли овозалар тарқалди.

— Николай тахтдан ағдарилибди!

— Ҳуррият, Ҳуррият!

Ёдгор устози Дмитрий Украинцев юзида қувонч кўрди.

— Янгилик, яша, қувончли янгилик! Николашка тахтдан ағдарилибди! Ҳа, ҳа, сизлар қўрқиб гапирадиган оқ пошшо!

Ёдгор шундагина нега бугун барча ишчилар чеҳраси очиқ, бир-бирларини табриклашаётганининг боисини тушунди. Ажабо, подшо ҳам тахтдан ағдариладими? Уни ким йиқитди?

— Ишни йиғиштир. Бундай кунда ишлаб бўладими? Юр, черковга борамиз.

Ёдгор чўчиб кетди, нима уни ҳам ўрисчасига чўқинтиришмоқчими?

— Ўша ерда катта митинг бўлади.

Чиндан ҳам темир йўл черкови олдида тумонат одам йиғилган эди. Улар орасида устахона ишчилари кўп. Бир чеккада эса эски шаҳардан устахонага қатновчи мастеровойлар ўзаро гурунг қилишмоқда.

Ёдгор улар даврасида поччаси Абдулла, акаси Тўхтамуродни, дўстлари Умар, Жалол акаларни кўрди.

— Ҳуррият! Яшасин ҳуррият!

— Яшасин, мастеровойлар!

Қўлига қизил боғичлар таққан кишилар тўп-тўп ишчиларни бошлаб келишмоқда. Ҳамманинг юзида шодлик ва ҳаяжон барқ уради.

Ёдгор митинг сўзининг маъносини шу ерда англади. Тагида гап кўп экан, бу сўзнинг.

— Товариш!

Бу унга қаратилган сўз эди. «Сарт», «сартенок» ёки «ўзбеченок» деган сўзларга қулоғи ўрганиб кетган Ёдгор учун бу сўз ёқимли эшитилди. Бир йигит шундай дея қўлига қизил лента боғлаб қўйди.

— Товариш!

Кўзига таниш рус ишчиси минбарда халойиққа шундай мурожаат қилди:

— Першин!— деди ёнидаги бояги рус йигит.

Ёдгор уни таниди. Чилангир ишчи Александр Першинни устахонада кўп кўрган.

— Энди ҳаммамиз тенг, ўртоқмиз, товариш.

Ёдгор ўзи билан қуюв цехида қолипловчи бўлиб ишлайдиган Абдураҳмон Толиповни ёнида кўрди. Унинг ҳам енгида қизил лента.

— Кеча устахонамизда ишчи депутатлари Совети туздик. Эндиликда барча ишни Совет ҳал қилади. Яшасин, ишчи депутатлари Совети!

Першиннинг сўзлари гулдурос қарсакларга кўмилиб кетди.

— Совет дегани кенгаш, маслаҳат, Ёдгор,— деди Абдураҳмон,— кенгашган тўн тор келмас, дейишганича бор.

Толипов русчани яхши гапирарди. Ёдгор ўзидан бирмунча каттароқ бўлган бу йигитдан кўп нарсани ўрганган эди. Мана, Совет сўзи маъносини ҳам тушунди.

— Подшо ўрнига энди Совет бўларкан-да,— ҳайратланиб деди кимдир.

Бошига шляпа кийган европача либосдаги савлатли киши масхаромуз пичинг қилди.

— Қум йиғилиб тош бўлмас, камбағал йиғилиб бош бўлмас, жаноб мастеровойлар!

Абдураҳмон Ёдгорни туртиб қўйди.

— Кўриб қўй, дўстим, манави олифтани. Биз ҳали бундайлар билан кўп тўқнашамиз.

— Ким у ўзи,— деди секин Ёдгор.

— Орифхўжа бойвачча. Тошкентнинг энг катта бойларидан. Заводчи, пудратчиларнинг зўрларидан.

Нотиқ ҳаяжон билан гапирар, сўзлари эса халойиқ томонидан олқишлар билан бўлинарди.

Ёдгор гарчанд кўп гапларнинг мағзини чақолмаса-да, лекин эшитаётган янги сўзлари истиқболда бошланаётган номаълум ҳаётга ишоралигини қалбдан англай бошлади.

Абдулла Ҳайитбоев қайнисини қучоқлади.

— Табриклайман, ука, ҳуррият билан! Энди тез орада аканг ҳам уйга қайтиб келади.

Ёдгор унинг ёнида кулиб турган Тимофей Брикаевга кўзи тушди. Поччасининг қадрдони. Унинг ўғли Константин Брикаевни яхши танийди. Ўзи билан тенгдош.

— Маҳалладаги таниш-билиш ўртоқларингни энди бизга ишга олиб келавер. Миршабнинг рухсатига ҳожат йўқ, энди ўғлим.

Абдулла хохолаб кулганича ўтган кунларни эслади. У кунлар энди қайтмайди. Ҳуррият бўлди, ҳуррият! Қизиқ, подшосиз ҳаёт қандоқ бўларкин?

## ХУШХАБАР

ПОДШОСИЗ ҳам яшаса бўлар экан. Аммо ҳолва дегани билан оғиз чучимас деганларидек, топиш-тутишда маза бўлмаса, турмуш ўша-ўшалигича қолавергандан кейин одамлар кайфиятидаги кўтаринкилик пасая бошлади. Ҳуррият сўзи тиллардан тушмасада, аммо у ҳали ҳаётда қарор топмаётган эди.

Ёдгор устахонада ишчиларнинг суҳбатларида «большевик», «меньшевик», «эсер», «Керенский» сўзларини тез-тез эшитарди. Яна қулоғига «касаба союз» деган гап ҳам чалинди.

Ишчиларнинг ўзаро суҳбатлари кўпинча қизғин тортишув ва мунозараларга айланиб кетишини ҳам у кўрди. Шаҳарда бўлаётган ҳар бир янгилик устахона ишчилари назаридан қочмас эди. Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети аъзоларининг кўпчилиги ҳам шу устахона ишчилари эканини Ёдгор яхши билади.

Ҳамон давом этаётган урушдан норозилик кучайиб бормоқда. Петроградда 1-май куни бўлган воқеа ҳамманинг оғзида. Ўша куни Вақтли ҳукумат ташқи ишлар министри Милюковнинг Англия ва Франция ҳукуматига Россия ўз бурчига содиқ равишда Германияга қарши урушни давом эттираверади, деган мазмундаги нотасига жавобан ишчи ва солдатлар кўтарилишди. Уруш ғалабагача, деб эълон қилган Милюковнинг нотаси уларни сабр косасини тўлдириб юборди. 3-май куни солдатлар Вақтли ҳукумат кенгаш қурган Мариинск саройига бориб намойиш қилдилар. Уларнинг қўлларидаги плакатларда «Бутун ҳокимият Советларга!», «Йўқолсин уруш», «Йўқолсин Милюков ва Гучков!» хитоблари ёзилган эди. 4-май куни эса большевиклар партияси чақириғига кўра Петроград ишчилари иш ташлаб намойишга чиқдилар. Бу намойишда 100 мингдан кўп киши қатнашди. Шундай намойиш Москвада ҳам бўлди. Май намойишлари оддий намойиш бўлмай, балки пролетариат ва буржуазиянинг ўзаро куч синаши эди. Халқ кимга эргашади? Асосий гап ана шунда эди.

**Ҳамдам СОДИҚОВ.**

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг 2 ва 10 август сонларида).



*

**● «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мебель жиҳозлари сифати тобора яхшиланиб бораяпти. Бунда Муҳаммаджон Ашуров раҳбарлигидаги йиғувчи дурадгорлар бригадасининг ҳам муносиб улуши бор. Ушбу суратда бригада бошлиғи М. Ашуровни (чапдан иккинчи) коллектив аъзолари М. Азимов, А. Пўлатов ва К. Сонповлар билан кўриб турибсиз.**

**Т. КАРИМОВ суратга олган.**

*

# • ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ: КИМ ҚАНДАЙ ҲИССА ҚЎШМОҚДА? •



● Айни пайтда ҳамма ерда мўл ва сифатли ем-хашак жамғариш учун кураш бормоқда. Илғорлар чорвачиликнинг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш учун барча зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Чиноз районида ҳам бу борада ибратли ишлар қилинмоқда. Маккажўхори ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш ва силос бостириш жадал бормоқда.

Айниқса, тажрибали озуқакор Харип Алматов бошчилик қилаётган бригада аъзолари яхши натижага эришмоқда. Улар 45 гектар майдонга экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 300 центнердан кўк поя йиғиштириб олмоқдалар. Комбайнчи Хўроз Дониёров топшириқни ортиғи билан бажариб, барчага ибрат бўлаётир. Суратларда: (юқорида) комбайнчи Х. Дониёров; (пастда) маккажўхори ўрими пайти.

Ў. ҚЎШВОҚОВ суратга олган.



## ҲАРАКАТ БОР ЖОЙДА...

Пахта якка хокимлиги тугатилсагина Озиқ-овқат программаси ҳам бажарилади, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бунинг учун курашиш ва ҳаракат қилиш керак. Айниқса, юқорида ўтирган мутасадди раҳбарлар билан тил топишиш лозим. Бунинг ўзи бўлмайди, албатта. Мухбиримизнинг Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози раиси Абдуғаппор Иброҳимов билан мулоқоти шу хусусда бўлди.

**— Айтингчи, илгарилари пахта экиб келинган каттагина ерларда бугунги кунда боғ ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бунга қандай қилиб эришдингиз?**

— Осон бўлмади, қаттиқ курашдик. Катта-катта йиғинларда гапираверганимдан ҳатто мени хуш кўрмай қолишди. Лекин мен сира хафа бўлмадим. 1984 йилда хўжаликка раҳбар бўлиб иш бошлабманки, бутун ўй-хаёлимда «колхозчи, деҳқон қачонгача рўзғор учун керакли бўлган нарсаларни бозордан сотиб олади. Ахир каноп билан пахтадан қорин тўярмиди» деган фикр тинчлик бермасди. Дастлабки ишни дала шийпонлари олдидаги кичик-кичик майдончаларга оз-оздан бўлса ҳам рўзғорбоп сабзавот экдиришдан бошладим. 1985 йилдан эса оилавий пудратни жорий эта бошладик. Бу ишга Рихсибой ака Илашов биринчилардан бўлиб қўл урди.

Аслида планлаштириш пастдан бўлиши керак. Бу — бизлар учун қўл келади. Аммо кўрсатма берган юқори ташкилотларнинг ўзлари бунга амал қилишмади: биз ўз планларимизни шароитга мослаб кўриб чиқиб тавсия этамиз, улар эса барибир ўзлариникини маъқул кўрадилар. Мана шундай тортишувлар натижасида, тўрт-беш йил курашиб полиз ва мева етиштиришни бироз кўпайтириб олдик.

**— Ерга қайси хилдаги экин экилмасин ҳосилдорлиги керак. Ҳосилдорликни ошириш учун нима қилиш зарур?**

— Агар қорамолга кунда сомон бераверсангиз бир ойдан кейин ўша қорамол скелетга айланиши табиий ҳол. Ер ҳам шундай. Ҳар йили бир ерга бир хил экин экилаверса кўринмас скелетга айланади. Натижада камҳосиллик вужудга келади. Шунинг учун ҳосил мўл-кўл бўлсин деган деҳқон ҳар йили эмас, уч йилда бир алмашлаб экишни жорий этиши шарт. Алмашлаб экканда ҳам асосан беда билан алмашлаб экиш керак. Биласиз: беда илдизи таркибида азот моддаси кўп бўлади. У ердан озуқа олмайди, аксинча ерда озуқа тўплайди, ерни тўйдиради. 1984 йилда бедадан гектар бошига 150 центнердан ҳосил олиниши керак эди. Аммо бу план уддаланмаган. Ўша кезларда бедадан ҳосил олиш жуда оқсалган. Бундан чорвачиликда ҳам зарар кўрилган.

**— Ҳозир-чи?**

— Ҳозир эса ҳосилдорлик 152 центнерга етди. Бу йил бу кўрсаткични янада оширишга ҳаракат қиляпмиз. Алмашлаб экишга алоҳида эътибор зарур. Кенг-кенг майдонларга даб-дурустдан экин экиб бўлмайди. Бундай нотекис ерларга иложи бўлса макка экиб келгуси йил учун тайёрлаш жуда қўл келади.

Бундан ташқари маҳаллий ўғит ҳам кони фойда. Биз ҳар йили гектарига 50—60 тоннадан гўнг соламиз. Ўтган йилдан бошлаб тўғри фермадан шарбат олиб келиш учун прицепларни мослаштирдик. Шундай прицеплар 18 та, 10 таси йил бўйи ишлайди. Далага йил давомида 8 минг тонна ўғит ташиб чиқарилади.

Бизнинг колхозимиз шаҳар территориясига яқин жойлашган. Бора-бора хўжалигимиз сабзавот етиштиришга ихтисослашиши керак. Мўлжалимиз бўйича пахта ўрнига бу йил кўплаб гектарларга бошқа экин экилиши керак эди. Лекин мутасаддилар рухсат беришмади. Шундай бўлса-да, имконият топдик: 30 гектар ер ажратдик, шундан 13 гектарига макка экилди. Қолган қисмига ҳам макка экилади. Шу мақсадда махсус механизация бўлинмаси тузилди. Бу бўлинмага 4 та бульдозер, 1 та скрейпер, 2 та текисловчи механизм бириктирилган. Механизаторларимиз сувчиликда ҳам тажриба орттиришган. Бу ерни тайёрлашда қўл келади.

Бу йил 100 гектар ерда сабзавот етиштирилмоқда. Шундан 45 гектарига картошка, 17 гектарига карам, 45 гектарига помидор, қолган қисмига эса мош, қулупнай, бақлажон, сабзи, пиёз экилган. Ҳозир ҳосиллари йиғиштириб олина бошланди. 250 нафар оила пудрат бўлиб меҳнат қилмоқда.

**— Ҳар ҳолда пахта ҳокимлигига барҳам бериш йўлида бирмунча иш қилинибди. Бу, албатта, чорвачиликдаги аҳволни ҳам ўнглаб олишга ёрдам бераётгандир?**

— Мен юқорида алмашлаб экиш асосан беда ҳисобига бўлсин, дедим. Бундай дейишимга сабаб беда — бу сут ва гўшт демакдир. Фермада ишлар звено пудрати асосида олиб борилади. Сутнинг нормал ҳолатини сақлаб туриш учун совутгичлардан фойдаланилмоқда. Бунинг эвазига ҳар бир тонна сут учун 10 сўмдан қўшимча ҳақ тўланади.

Молбоқар Болтабой Сулаймонов, бузоқбоқар Усмонали Ҳожиматов, соғувчилардан область Советининг депутати Маҳбуба Охунова, Турди Муҳаммедова, Гулжаҳон Абдуназаровалар яхши кўрсаткичга эришиш билан бир қаторда яхши даромад ҳам қилишмоқда. Бундан хўжалик ҳам, колхозчилар ҳам манфаатдор. Бўзчи белбоққа ёлчимайди, деганларидек чорвадор ўзи гўшт етиштирарди-ю, лекин еёлмасди. Бу алам қиларди, албатта. Биз буни ҳам ҳисобга олдик. Вақти-вақти билан мол сўйилади ва колхозчиларга 2 сўмдан 4 сўмгача бўлган нархда гўшт сотилмоқда.

**— Одатда деҳқондан иш талаб қилардилар-у, аммо у қандай яшаяпти, уй-жойга муҳтожми, ёки йўқми бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди...**

— Албатта, энди бундай қилолмаймиз. Колхозчи рўзғоридан кўнгли тўқ бўлса, хотиржам ишлайди. Бу доимий эътиборда. Уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва тўй-маъракаларини мароқли, мазмунли ўтказишлари учун хўжалигимизда ташкил этилган «Ниҳол» ансамбли хизматда. Ансамблга Ваҳобжон Охўнов раҳбарлик қилади. Ёшларимиз спорт ишқибози. Шуни ҳисобга олиб, стадион учун қисман ер ажратдик. Талабга тўла жавоб бермаса ҳам, ҳар ҳолда кунга ярайди.

Энди уй-жой масаласига келсак. «Агропром»га қарашли 8-НПМК ташкилоти бизнинг талабимизга жавоб бермаяпти. Тайинли иш қилишмайди. Мўлжал бўйича 600 ўринли клуб, 140 ўринли боғча, 845 ўринли мактаб қурилиши керак. Уларнинг лойиҳалари тайёр. Лекин қурилиш ташкилотлари лоқайдлиги туфайли биз ишни бошлаб юбора олмаяпмиз.

Бунинг устига қурилиш материалларини топиш жуда мушкул. Хўжалигимизда 30 оила ўзлари уй-жой қуришга киришган. Посёлкамиз шаҳар типида бўлганлиги учун шахсий уй қураётганлардан ҳам шуни талаб қиляпмиз. Улар ҳам ўз уйларининг лойиҳаларини тайёр қилиб қўйишган. Айримлари қурилишни бошлаб юборишди.

Умуман олганда қилинадиган ишлар жуда кўп. Ҳаракат бор жойда барака бўлади. Ажаб эмас, шунча ҳаракатларимиз эвазига пахтадан, сабзавотдан мўл-кўл ҳосил олиб, кўзланган маррага эришсак, даромадимиз ортиб, социал масалаларга эътиборни янада кучайтирардик!

Дарвоқе «қимирлаган қир ошади» деганларидек ҳаракат қилган қараб қолмайди, албатта. Деҳқончиликда ҳам жиддий силжишлар бўлмоқда. Ҳар гектаридан 30 центнердан пахта олиш мўлжалланмоқда. 51 гектар ердаги олма боғи тўлиқ қайта янгиланди. Келаси йил яна 20 гектар боғ барпо этиш кўзда тутилмоқда. Эрта баҳорда анор, олма, анжир, шафтолининг серҳосил навларидан ҳам экилди. Узумзорлар кенгайди. Экологияни яхшилаш мақсадида уйлар, шийпонлар атрофига ҳавони тозалайдиган навли терак кўчати экиш ташкил этилди. Катта бўлганида эса уй-жой қуриш учун ёғочидан фойдаланилади...

Колхоз аҳлининг ишга мамнун келиб кетиши хайрли ишнинг яхши натижасидан далолат демакдир.

Суҳбатни **Гулзода МАМБЕТОВА** олиб борди.

---

## *Дам олиш масканларида*

## «ЧОТҚОЛ»НИНГ ЁЗ МАВСУМИ

СЎЛИМ ва хушманзара Бўстонлиқ бағрида, шундоққина Чирчиқ дарёсининг соҳилида жойлашган «Чотқол» санаторийси «Узбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашлидир. У ўз қучоғига дастлабки дам олувчиларни чорлаганига 14 йилдан ошди. Бу ерда юрак—қон-томир ва асаб касалликлари даволанади.

Биз санаторийга тушликдан сал олдин етиб келдик. Дастлабки суҳбатдошимиз соя-салқин ҳовлида ўғли билан дам олиб ўтирган бирлашма инженери Муаттар Сиддиқова бўлди.

— Бу ерда ўғлим билан даволанаяпмиз. Санаторий қошида кеча-кундуз ишлайдиган болалар боғчаси бор. Боғча ишидан хурсандман, жуда яхши қарашади.

Ҳа, бу ерда оилавий дам олиш учун барча қулайликлар яратилган. Ҳар бири икки хонали коттеж-уйлар, спорт-майдончаси, ҳовуз, фин ҳаммоми, клуб мавжуд. Кўп умрини қидирув ишларида, дала-даштларда оиласидан ва яқинларидан узоқда ўтказадиган геологлар учун дам олишнинг бундай ташкил этилганлиги айни муддаодир. Ҳовли билан танишиб улгурмасимиздан тушлик бошланди. Ошхонага кирамиз. Кенг; ёруғ, деразаларига оқ дарпардалар тутилган. Залда дам олувчилар иштаҳа билан тушлик қилишмоқда. Кекса аёлни суҳбатга жалб этдик.

— Ёқимли иштаҳа, онахон! Қалай, яхши дам оляпсизми?

— Яхши, бундан ортиқ бўлмайди. Овқатлари мазали. Мана ҳозир шўрва ичдим, палов едим, бирам ширин.

Суҳбатимизга Фарғона гидрогеология экспедицияси хизматчиси М. Азизов қўшилди.

— Бу санаторийга иккинчи бор келишим. Овқатлари сифатли ҳаммаёқ ораста. Лекин баъзида ҳўл мевалар, сабзавотлар билан таъминлашда узилишлар бўлиб турибди.

Тушликдан сўнг коттеж уйларнинг бирига кирдик. Икки хонадан иборат бу коттежда бир оила учун барча керакли жиҳозлар бор. Телевизор, кондиционер, холодильник, газ плита, ванна... Бу ерда Мирзачўл гидрогеология экспедициясининг партия бошлиғи Алишер Сайфуллаев оиласи билан дам олаётган экан.

— Айниқса, даволаш яхши йўлга қўйилган. Врачлардан, ҳамширалардан миннатдормиз.

— Кечқурунлари клубда кинофильмлар намойиш этишади, манзарали жойларга экскурсиялар уюштирилади. Яқинда Чимён ва Хумсонга бориб келдик,— дея суҳбатга қўшилди Алишернинг турмуш ўртоғи Муҳайё.

Даволаш корпуси ўзининг озодалиги, шинамлиги билан кишига яхши кайфият бағишлайди. Пештоқига шифобахш ўтлар билан даволаш, уқалаб даволаш, игна билан даволаш деб ёзиб қўйилган кабинетлар дам олувчилар билан гавжум. Уқалаб даволаш кабинетидан чиқиб келаётган киши билан танишдик. У — Ўзбекгидрогеология бирлашмаси шофёри Х. Аҳмедов экан:

— Жуда хурсандман, яхши даволашади. Айниқса массаж, электрофарез каби муолажалар саломатлигимни тиклашга катта ёрдам беряпти. Медицина ходимлари жуда ширинсухан,— дейди у мамнун бўлиб.

«Ташкентгеология» бирлашмасига қарашли ўқув комбинати директори М. Усмоновни ҳовлида сайр этиб юрганида учратдик. У киши сурункасига 3 йилдан бери шу ерда дам олар эканлар. У маиший шарт-шароитларни янада яхшилаш зарурлигини таъкидлаб, баъзи фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди:

— Ўтган йилларга нисбатан бу йилги шароит анча қониқарсиз. Дам олиш зоналари, сузиш ҳавзаси атрофлари ифлос. Гуллар парваришсиз қолиб кетган, вақтида суғорилмаган. Мавжуд 4 та сўридан иккитаси умуман бўялмаган, қолганида эса тахта йўқ. Шу сўрилар тартибга келтирилса кекса онахон ва отахонлар яйраб ўтиришган бўлар эди.

Муҳсим аканинг ўринли эътирозини санаторий директори К. Олимовга етказдик.

— Ўринли таклиф,— дея гап бошлади Камол Каримович,— Сўриларимизга тахта етишмайди. Бу йилдан бошлаб фонд деган нарса йўқ. Ҳар бир нарсани ўзимиз қидириб топиб келишимиз керак. Куни кеча тахта топдик. Сўрилар қилинади. Ҳали камчиликларимиз кўп, лекин олдимизга қўйган мақсад катта. У ҳам бўлса маиший шарт-шароитларни яхшилаш. Бу йил йўлланмаларимизнинг нархи ошди. Ўшанга яраша шароит яратиб беришимиз керак. Уй жиҳозларини янгилаймиз. Тез кунда профилакторийнинг янги 200 ўринли биноси ишга тушади. Ҳозир пардозлаш ишлари кетаяпти. Айни пайтда, яхши мутахассислар етишмайди. Уларни топиш керак, қизиқтириш керак. Бунинг учун яхши маош керак. Маошимиз эса кам. Яна бир мулоҳаза. Бизнинг санаторий-профилакторий «Узбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли, лекин республикамиздаги бошқа геология ташкилотларининг хизматчилари ҳам дам олишади. Ана шу ташкилотлар ҳам маблағ билан, материаллар билан ёрдам беришса, бу жойларни янада обод қилиш, яшнатиб юбориш мумкин бўлар эди. Бизга иккита автобус ажратилса, Бўстонлиқнинг хушманзара жойларига, тарихий обидаларга бой Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига экскурсиялар уюштирар эдик. Шунингдек, битта 30 ёки 50 ўринли катер бўлса бутун Чорвоқ сув омборини сайр қилиш мумкин. Буларнинг ҳаммасига эса маблағ керак. Шу пайт бош врач С. Тўлаганов кириб келиб, суҳбатимизга қўшилди:

— 1980 йилда санаторий территориясида минерал сув топилган. Бу минерал сув билан ошқозон-ичак касалликларини, қўл-оёқ, бўғин, бел оғриғи ҳасталикларини даволаса бўлади. Семашко номли илмий-текшириш институти мутахассислари 1981 йилда шундай хулосага келиб, уни тасдиқдан ўтказганлар. Афсуски шунча йилдан бери бу сувдан фойдалана олмаймиз. Бир неча марта бирлашма маъмуриятига, касаба союз комитетидаги ўртоқларга қувур ўтказиб беришларини сўраб мурожаат қилдик. Илтимосимиз ҳануз қондирилгани йўқ. Қувур йўқ эмиш...

— Гапнинг очиғи бу даражадаги лоқайдлик одамнинг қалбини зирқиратиб юборади,— дея давом этди бош врач,— кўз олдингда табиий дори-дармон оқиб, исроф бўлиб ётса-ю, арзимаган 500 метр масофага қувур топилмаса?! Саккиз йилдан бери-я! «Узбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти табиатнинг бу ноёб неъматини беморлар дардига малҳам қилиш учун шошилинч чораларни кўради, деб умид қиламиз.

Камол Каримович ҳам, Собир Одилович ҳам санаторийнинг истиқболи, мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳақида куюниб гапирдилар. Ана шу гаплар, режалар қоғозда қолиб кетмаслиги учун улар бундан ҳам кўп жон койитишлари, елиб-югуришлари баъзи бюрократик тўсиқларни енгиб ўтишлари керак. Токи, эл соғлиғи — юрт бойлиги, деган шиор қизил гап бўлиб қолмасин.

...Ҳайрлашиб йўлга чиқдик. Бизнинг юқоридаги суҳбатимиздан бехабар шофёримиз Дамир ака санаторий этагида лой-балчиқ бўлиб ётган жойга ишора қилдилар: «ановини кўраяпсизми — минерал сув, жуда зўр сув. Мен уч йил олдин санаторийда дам олганимда ўзимча шу сувга қатнаб, бел оғриғини тузатганман».

Ер остидан юқори босим билан илиқ сув вулқондек отилиб ётибди, атрофи ҳалқоб. Краннинг тагида бир кампир сувга оёқларини тутиб ўтирибди. Сал нарироқда эса бир қизалоқ сочларини тараб, бош ювиш учун навбат кутиб турибди...

**М. КОМИЛХЎЖАЕВА.**

---

## ШАРОИТ ЯХШИЛАНДИ

М. МАЪМУРОВ номли 14-ўрта мактаб ислоҳот талабларига жавоб бермасди. Ҳатто, овқатланиш хонаси йўқлиги туфайли иккита кичикроқ синф хонасидан буфет-ошхона сифатида фойдаланишга тўғри келарди. Бу, албатта, ўқувчиларнинг билим олишларига салбий таъсир кўрсатарди.

Яқинда ана шу мактаб ўқитувчи ҳамда ўқувчилари учун 300 кишига мўлжалланган буфет-ошхона қуриб, фойдаланишга топширилди. Унда таомлар тайёрлаш, масаллиқ ҳозирлаш цехи, маҳсулотларни сифатли сақлаш ҳамда идиш-товоқларни ювиш учун махсус хоналар мавжуд.

Ошхонани барпо этишда С. Раҳимов номли колхознинг С. Ҳусанов бошлиқ қурилиш бригадаси аъзолари И. Бобоев, Ф. Алимов, Б. Жўраев, Ҳ. Нурметовлар самарали меҳнат қилишди.

**М. ТУРОБОВ,**
**Тошкент райони.**

---

## планетамизда

### КАРОЧИДА ЯНА КОМЕНДАТЛИК СОАТИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

ИСЛОМОБОД, 16 август. ТАСС мухбири Николай Семененко хабар беради: кеча тунда пулемётлар билан қуролланган ҳарбий юк машиналари Покистондаги энг катта Карочи шаҳри кўчаларида пайдо бўлди. Маҳаллий матбуотнинг хабар беришича, шаҳарнинг камбағаллар яшайдиган районлари яна этник негиздаги қақшатқич тўқнашувлар майдонига айланди. Тўқнашувлар чоғида муҳолиф жамоалар ўртасида совуқ қурол ва ўқ отувчи қуроллар қўлланилган. Етти киши ҳалок бўлган, кўпчилик жароҳатланган. Бир қанча уйлар, ўнлаб автомашиналар ёқиб юборилган.

Тартибсизлик чиққан районларда атиги икки ҳафта илгари бекор қилинган комендантлик соати яна жорий этилди.

Кейинги бир неча йил мобайнида Карочида жамоалар ўртасидаги нифоқ натижасида бир неча юз киши ҳалок бўлган, минглаб кишилар жароҳатланган, жуда катта моддий зарар етказилган. Шаҳарда аҳоли ниҳоятда зич жойлашганлиги, ишсизларнинг жуда кўплиги, долзарб социал муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги бундай аҳволга сабаб бўлмоқда.

### ФАЛОКАТ ҚУРБОНЛАРИ

ПЕКИН, 16 август. (ТАСС). Хитой авиакомпаниясининг самолёти Шанхайдаги Хунцяо аэропортидан сешанба кунининг иккинчи ярмида учиш чоғида фалокатга учраб, дарёга қулаган. Самолёт ичидаги 40 кишидан атиги олти киши тирик қолган. Бугун «Жэньминь жибао» газетасининг хабар беришича, экипажнинг барча аъзолари, шунингдек Япониянинг икки фуқароси ҳалок бўлган.

Фалокат рўй берган жойга етиб келган полиция вакиллари, аэропорт ходимлари ва медицина хизматчилари ёрдамида ҳалок бўлганларнинг жасади дарёдан чиқариб олинган. Махсус тузилган комиссия фожеа тафсилотларини аниқлашни давом эттирмоқда.

### АВТОМАТ ТЕЛЕФОННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

● НЬЮ-ЙОРК, 16 август. (ТАСС). Америкалик механик Уильям Грей ўз ихтироси бўлган автомат телефонга патент олган кундан буён орадан 100 йил ўтди.

Кунлардан бир кун Грей ишлаётган фабрика устаси унга идора телефонидан бемор хотинига телефон қилишни тақиқлаб қўйди, ўшанда Грейда пул тўлаб қўнғироқ қилинадиган аппарат яратиш ғояси пайдо бўлди. Орадан бир неча йил ўтиб, Грей ўз ихтироси билан патент бюросига кирганида АҚШда бир неча ўн минг автомат телефон ўрнатилган эди. Бу телефонлар ёғоч ўймакорлиги нақшлари билан безатилган ҳужра бўлиб, унинг деразаларига шойи пардалар тутилган эди. Аппарат жажжигина столчада турар, бу ерга кирган киши эса стулга ўтириб бамайлихотир қўнғироқ қилиши мумкин эди.

Ҳозирги автомат телефонлар илгаригиларидан дизайни билангина эмас, гаплашиш учун тўланадиган ҳақ билан ҳам фарқ қилади. Грей замонасида бир центга телефон қилиш мумкин эди. Ҳозир эса сўзлашиш нархи 25 баравар юқоридир.

## *Далиллар фош этади*

● ТОКИО

**Милитаристик Япония Улуғ Ватан уруши чоғида заҳарловчи газ ишлаб чиқаргани ва уни Хитой территориясида ишлатгани тўғрисида икки япон тарихчиси — профессорлар Кентаро Авана ва Иосиаки Иосимиларнинг бу ерда нашр этилган китобида янги ҳужжатли далиллар тўпланган.**

562 саҳифали тўпламда олимлар сўнгги беш йил мобайнида жаҳондаги бир қанча мамлакатлар, шу жумладан АҚШ, Австралия ва Хитой архивларида бирма-бир тўплаган асл ҳужжатларнинг текстлари келтирилган. Собиқ император армиясининг уруш йилларидаги «мутлақо махфий» деб белги қўйилган 16 та ҳужжати, айниқса катта аҳамиятга эга. Эндигина нашр қилинган бу китобда муаллифларнинг Япония территориясида ана шу ҳарбий заҳарловчи газлар қаерда ишлаб чиқарилганлиги, улардан Хитойда қандай қилиб ва қаерда фойдаланилганлиги тўғрисида тасаввур берувчи батафсил шарҳлари борлиги ҳам қизиқиш уйғотади.




● Суратда: Франция пойтахтининг кўринишлари.
А. ПУШКАРЕВ сурати. (ТАСС).

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг жанубидаги Керала штати аҳли ўтган сешанба куни одатдан ташқари норозилик намойиши ўтказдилар. Улар миллий автомобиль йўли бўйлаб елкама елка туриб, 722 километрлик «тирик девор» ҳосил қилдилар. Марксчи демократик ёшлар Ҳиндистон федерациясининг ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирда 5 миллионга яқин одам, шу жумладан штат ҳукуматининг вакиллари қатнашди. ЮНИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, норозилик билдирувчилар Керала штатидаги етилган иқтисодий ва бошқа муаммоларга марказий ҳукуматнинг эътиборини ана шу йўл билан жалб этишга уриндилар, уларни ҳал этиш учун Деҳли маъмурларининг шошилинч аралашуви талаб қилинади.

● НЬЮ-ЙОРК. Регионал телефон корпорацияларидан бири «Белл атлантик» касаба союзларининг тазйиқи билан иш ташлаган ўн минглаб меҳнаткашларнинг талабларига ён берди. Пенсильвания штатининг Филадельфия шаҳридаги музокараларда «Белл атлантик» маъмурияти меҳнаткашларнинг медицина хизматига харажатларини қоплаш тўғрисидаги талабларининг бир қисмини бажаришга рози бўлди. Компания ўртага қўйган шартлар иш ташлаш комитетининг кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Бироқ меҳнат можаросининг кескинлиги пасаймаяпти, унда телефон компанияларининг салкам 200 минг хизматчиси иштирок этмоқда. Корпорациялар можарони бартараф этиш учун чала-ярим шарт қўйиб, айни пайтда штрейкбрехерлардан кенг фойдаланмоқда. Нью-Йорк яқинида штрейкбрехерлар билан тўқнашув чоғида стачкачилардан бирини машина уриб кетди. Врачлар у оғир аҳволда, дейишди.

(ТАСС, 16 август).

